



Odiljon ERNAZAROV^a 

^a Acting Head of the UNESCO Department for Religious Studies and Comparative Study of World Religions, International Islamic Academy of Uzbekistan, PhD in History, Associate Professor
E-mail: odil.ernazarov.88@gmail.com

ЯПОНИЯДА ДАВЛАТ ВА ДИН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ АСОСЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада Япония давлатчилиги тарихида турли динларнинг тарқалиши жараёни, ушбу жараёнга империя сиёсатининг таъсири ҳамда маҳаллий эътиқод – синтоизмнинг давлат ислохотларидаги ўрни ва вазифаси апрофлича таҳлил этилган. Синтоизм Япония маданияти ва сиёсий тизимида нафақат марказий диний тизим сифатида, балки шаҳар ва қишлоқ миқёсидаги анъанавий тузилмаларни бирлаштирувчи, инсоний ва ижтимоий яқдилликни таъминловчи омил сифатида намоён бўлгани кўрсатилади.

Шунингдек, мамлакатда иккинчи муҳим конфессия ҳисобланган буддавийликнинг Япония маънавий ҳаётидаги янгилик сифатидаги ўрни, Хитой маданиятининг келишига воситачилик қилгани ва ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири каби уч асосий жиҳати алоҳида эътибор қаратилган.

Буюк географик кашфиётлар туфайли Японияга христианлик кириб келди, айниқса, католиклик таълимотини тарғиб қилган изуит роҳиблари орқали аҳоли томонидан қабул қилина бошлади. Бу жараёнда христианлик рамзлари маҳаллий буддавий ва синтоист анъаналар билан сингдириб борилган, масалан, Будда бутлари Исо Масиҳ тимсолига, «ками»лар эса 12 апостолга тенглаштирилган.

Японияда ислом динининг пайдо бўлиши XVIII аср бошларига тўғри келади. Маҳаллий аҳоли ислом ҳақида илк маълумотларни христиан миссионерлари орқали олган. Айрим тадқиқотчилар исломий тушунчаларни япон анъаналари билан уйғунлаштиришига ҳаракат қилганлар.

Калим сўзлар: Кожики, Нихон Сёки, kami, Маданият ишлари бўйича агентлик, «Диний юридик шахслар тўғрисида»ги қонун.

HISTORICAL AND MODERN FOUNDATIONS OF STATE – RELIGION RELATIONS IN JAPAN

Abstract. The article discusses the spread of various religions throughout the history of Japanese statehood and the imperial approach to this process. It highlights the importance of Shinto as a local faith in state reforms, as well as the history of the spread of Buddhism, Christianity, and Islam in the country and their impact on Japan's confessional landscape. The transformation of Shinto, once a politically influential religion, into a unifying doctrine for families and communities in both urban and rural areas is also analyzed.

Buddhism, which had a secondary influence after Shintoism, is evaluated as playing an important role in Japan through three main aspects: first, as a new spiritual belief system; second, as a transmitter of Chinese culture to Japan; and third, as an influencer in Japan's socio-political life.

The article further explores how major geographical discoveries introduced Christianity to Japan. Jesuit missionaries significantly contributed to the conversion of the population from Buddhism to Christianity, especially Catholicism. Buddhist statues were easily reinterpreted as statues of «saviors» (Jesus Christ), and Buddhist holy figures and Shinto kami were incorporated into Christian iconography, including the Twelve Apostles.

The arrival of Islam is traced to the early 18th century, with initial knowledge of Muslims being derived from Christian missionary writings. Some researchers interpreted Islamic concepts through the lens of Japanese culture to facilitate understanding and integration. Following World War II, Japan adopted a new constitution that guarantees freedom of religion and explicitly prohibits state involvement in religious education or activities.

Keywords: Kojiki, Nihon Syoki, kami, Agency for Cultural Affairs, The Religious Juridical Persons Law.

КИРИШ

Япония, тарихан, синтоизм анъаналарига асосланган ижтимоий муносабатлар маскани бўлса-да, турли даврларда буддавийлик, христианлик ва ислом динлари ҳам ўлкада тарқалиб, маданий хилма-хилликни шакллантирган. Синтоизм – Япониядаги энг йирик дин бўлиб, унга аҳолининг деярли 80 фоизи эътиқод қилади, бироқ уларнинг фақат кичик бир қисми сўровларда ўзларини «синтоистлар» деб белгилайди. Бунинг сабаби Японияда «синто» турли хил маъноларга эга: японларнинг аксарияти синто зиёратгоҳларига ташриф буюришади ва «синто»га мансуб бўлиш учун расмий маросимлар йўқлиги сабабли синто ташкилотларига тегишли бўлмаган ҳолда «ками»га илтижо қиладилар. «Синтога мансублик» кўпинча уюшган синтоизм оқимларига қўшилганларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Мамлакатда синтоизмга оид 100 000та зиёратгоҳ ва 78 890 нафар руҳоний фаолият кўрсатади. Синтоизмдан кейин иккинчи катта нуфузга эга эътиқод буддавийлик бўлиб, Японияда 75 000 та буддавий ибодатхоналари мавжуд (Religious Yearbook, 2019:39) ва уларда умумий миқдорда тахминан 355 000 нафар руҳоний хизмат қилади (blog.japanwondertravel.com).

Мазкур икки эътиқоддан ташқари японияликлар ҳаёт тарзига тобора кенгроқ кириб бораётгани нуқтаи назаридан христианлик ҳам мамлакатдаги сезиларли нуфузга эга динлардан ҳисобланади. Христианликдаги уч асосий йўналиш – католик, православ ва протестантлик Японияда бирдек тарқалганини қайд этиш лозим. Япония ҳукумати Маданият ишлари бўйича агентлигининг 2020 йил 31 декабрдаги маълумотида кўра, мамлакатда 4492та диний ташкилот христианлик номи остида фаолият кўрсатмоқда. Ушбу уч эътиқоддан ташқари диний таълимотлар умумий «бошқалар» номи билан юритилади ва уларга мансуб диний ташкилотлар сони 13 972та экани қайд этилган (bunka.go.jp).

АСОСИЙ ҚИСМ

Синтоизм Япония ва япон халқининг асосий маҳаллий эътиқоди ҳисобланади. Жорж Уилямс синтоийликни «ҳаракатга асосланган дин» сифатида таснифлайди ва у ҳозирги Япония ҳамда унинг қадимий илдизлари ўртасида алоқа ўрнатувчи маросимлар мажмуаси эканига эътибор беради (John Nelson, 1996:7-8). Кожики ва Нихон Сёкида

биринчи марта VIII асрда синтоизм амалиётлари қайд этилган ва тартиблаштирилган. Шунга қарамай, ушбу энг қадимги япон ёзувлари ягона «синто дини»га эмас, балки маҳаллий эътиқодлар ва мифологиялар тўпламини ифода қилади. XXI асрда синтоизм кўплаб худоларга (ками) сиғинишга бағишланган «жамоат зиёратгоҳлари дини»га айланиб бормоқда (John Breen, Mark Teeuwen, 2010:1-5). Синтоизм – Япониядаги энг йирик дин бўлиб, аҳолининг деярли 80 фоизи эътиқод қилади, аммо уларнинг фақат кичик бир қисми сўровларда ўзларини «синтоистлар», деб билишади. XX асрда (айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан кейин) япон жамиятида чуқур ўзгаришлар, шу жумладан, тезкор саноатлаштириш ва урбанизация жараёнлари рўй берди. Ушбу вазиятда Японияда трансформацияга дуч келган анъанавий динлар ўз фаолиятларини қайта жонлаштириш имконига эга бўлди ва 1947 йилги конституцияда ифодаланган диний эркинлик тамойиллари янги диний таълимотларнинг тарқалиши учун асосий омилга айланди. Синтоизм доирасида шаклланган янги оқимлар шаҳар ва қишлоқдаги анъанавий оилалар ва одамларни бирлаштириш вазифасини бажарди.

Синтоизм каби буддавийлик ҳам Японияда катта нуфузга эга таълимотлардан ҳисобланади. Буддавийлик (япон тилида «Буккйō» номи билан юритилади) Японияга биринчи марта VI асрда Кореянинг Бакже қироллиги орқали кириб келган. Бакже қироли Япония императорига Будданинг расми ва баъзи сутраларни юборган. Консерватив кучларнинг қиска, аммо кескин қаршиликларидан кейин буддавийлик 587 йилда Япония ҳукумати томонидан мамлакатда мавжуд расмий эътиқод сифатида қабул қилинган. Аста-секин буддавийлик таълимотини амалдорлар қўллаб-қувватлаши, буддавий руҳонийларга имкониятлар берилиши ва улар халқ орасига кенгроқ кириб бориши сабабли унинг сиёсий таъсири мустаҳкамланди. Диншунослик тадқиқотлари ҳулосасига кўра, буддавийлик Японияда асосан қуйидаги уч жиҳат бўйича муҳим рол ўйнаган: биринчидан, Япония маънавий ҳаётида янги диний эътиқод вазифасини бажарган; иккинчидан, Японияга ўзи билан бирга қўшни Хитой маданиятини олиб келган; учинчидан, Япония ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз таъсирига эга бўлган. Буддавийлик япон заминига асл санскрит матнининг хитой тилидаги таржимаси орқали кириб келган. Чунки, ҳинд буддавий талқинлари хитой менталитетига мослаб таржима қилинган. Шунга қарамай, минтақавий ва маънавий яқинлик

боис, таржимадаги «фаркланиш» япон диний мухитига унчалик сезилмаган. Натижада маҳаллий синтоизм ва буддавийлик муштарак жиҳатларини юзага чиқаришда жонбозлик кўрсатган қоҳинларнинг самарали хатти-ҳаракатлари билан японлар наздида Будда ҳам «ками» (ажодлар руҳи, илоҳ) сифатида эътироф этилган.

Ўз навбатида, буддавийликнинг япон мэнталитетига мослашиши «дзен буддавийлики»ни юзага келтирган. Дзен буддавийликининг таълимот ва амалиёт сифатида юзага чиқишида «Хитой буддавийлики» («чан буддавийлики») таъсир кўрсатган. Эсаи (1141-1215) ва Доген (1200-1253) каби қоҳинларнинг Хитойдан келтирган «чан буддавийлики» анъаналари асосида Камакурада (Японияни бошқарган ҳукумат номи, географик жой номига нисбатан қўлланилган) буддавийликнинг янги японча эътиқоди шаклланди. Қоҳинларнинг бири «дзен буддавийлики»ни Камакурада тарғиб қилган бўлса, унинг маслакдоши Доген ўз тарафдорлари билан «за-зен» – медитация услубига амал қилган. Амалиётда эса нафақат ибодат, балки ҳарбий ва руҳий машқларни жамлаган таълимот юзага келган.

МУҲОКАМА

Япония тарихида 1540 йилдан то 1640 йилгача ўтган даврни «христианлик асри», деб аташ одат бўлган. Бу асрнинг ибтидоси шу вақтда Хитойда ҳукмронлик қилган Хубилайхон хузурида хизматда бўлган Марко Полонинг Япония ҳақидаги хабаридан бошланган. Япон оролидаги афсонавий бойлик биринчи бўлиб географлар эътиборини ўзига тортган. Ҳиндистонга денгиз йўли очилганидан кейин тезлик билан европа экспансияси Шарқда тарқала бошлаган. Португаллар Хитой қирғоқларига етиб келиб, 1537 йили Макаога лангар ташлаб, сўнг Японияга йўл олганлар. Расмий тарихий санага кўра, европаликлар Японияга 1540 йилдан кела бошлаганлар. Улар япон заминида деярли юз йилга яқин яшаб, ниҳоят 1639 йили бу ўлкадан ҳайдаб чиқарилганлар. Ўтган давр ичида мамлакат аҳолисининг тахминан икки фоизи христиан динига эътиқод қилган. Буддавийликдан христианлик (хусусан, католик эътиқоди) қа ўтишда изуит роҳиблари муҳим ўрин тутганлар. Улар японларнинг маҳаллий диний анъаналари асоратларига кўз юмганлар. Будда санамлари ҳеч бир қийинчиликсиз «халоскор» (Исо Масих) ҳайкалига айлантирилган. Шу тартибда буддавий

сиймолари ва синтоизм камиси ҳам 12 апостол шаклига киритилган. Японларнинг христианликни қабул қилишлари мамлакат ичкарисида икки омил боис юз берган бўлиб, улардан бири, нуфузли европаликлар орқали савдо ёрдамида бойлик орттиришга нисбатан яратилган имконият, иккинчиси, ерлик илоҳлардан сўралиб муҳайё бўлмаган орзуларини янги илоҳ орқали рўёбга чиқишига умид эди. Деярли бир асрдан сўнг Японияда христианликни тарғиб қилган роҳибларга шубҳа кўзи билан қарай бошланган ва «хорижликларнинг ташқаридан эзгуликка йўғрилган туйғулари» улар юзидаги ниқоб экани маълум бўлиб қолган. Шундан сўнг португалларнинг сиёсий макру найранглари ва ножоиз хатти-ҳаракатлари япон халқи бошига тушган барча кулфатларнинг асосий сабаби сифатида тушунилган.

Японияда ислом ҳамда япон-мусулмон алоқалари ҳақида хабар берувчи манбалар жуда кам учрайди. Мавжудларида эса Ўрта аср мусулмон манбалари, Юан сулоласининг Японияга юришлари тўғрисидаги ҳисоботлар, Мин даври солномалари, Португал манбалари ва Япония маданияти тўғрисидаги замонавий адабиётларда мазкур мавзу бўйича муайян маълумотларни жамлаш мумкин.

Японияга мусулмонларнинг илк маротаба кириб бориш санаси ислом тарихига оид япон тилида топилган маълумотларга кўра, XVIII асрнинг бошларига тўғри келади. Умуман, Японияда ислом тарихи давр жиҳатидан қисқа, аммо мазмунан бой бўлиб, ўлкадаги илк мусулмон жамоалари Мейдзи (1868-1890) ҳукмронлигида Ёкогама ва Кобе шаҳарларида ишлаб, маблағ топиш мақсадида кўчиб келган ҳинд ва малай мусулмон денгизчиларидан иборат бўлган. Шу нуқтаи назардан мутахассислар япон ва мусулмон халқлари ўртасидаги алоқаларнинг йўлга қўйилиши яқин даврларни қамраб олишини таъкидлайдилар. Жумладан, Ханс Мартин Крамер (Hans Martin Krämer, 2014) фикрича, японларнинг ислом дини билан илк бор танишиши 1715 йилга тўғри келади. У вақтда асли япониялик Араи Хакусеки (Arai Hakuseki) ўзининг «Ғарбдан хушхабар» («Tidings from the West») номли асари орқали ислом ҳақидаги дастлабки маълумотларни миллатдошларига тақдим қилган (Ханс Мартин Крамер, 2014:621). Афсуски, Хакусекининг китоби Японияга ноқонуний равишда кириб келган италиялик руҳоний томонидан исломга нисбатан адоватона ҳислар билан бўялган ҳолда кўрсатилди.

Бундан ташқари, Хамфри Придеуах (Humphrey Prideaux) томонидан ёзилган, аммо баҳсли масала-

ларга тўла «Мухаммаднинг ҳаёти» (1697) номли асар япон тилига таржима қилиниб нашр этилиши ушбу салбий муносабатларга янада жиддий тус берди (Ҳанс Мартин Крәмер, 2014:621). Шундан сўнг, 1899 йилга қадар япон тилида ислом дини ҳақида (қандай мазмунда бўлса-да) маълумот берувчи асарлар учрамайди. 1899-1905 йиллар оралиғига келиб эса япониялик тадқиқотчи Сакамото Кеничи томонидан аввал европача қараш ва мусулмон эътиқоди асосида ислом дини тўғрисида биография, кейинроқ (1918) Қуръон бўйича илмий тадқиқотлар киритилган монография ёзилди. Ўз навбатида, у 1920 йилда Қуръонни япон тилига таржима қилган бўлса-да, аммо у таржимада ислом ҳақида танқидий ёндашилган Европа манбаларига асослангани учун диннинг мазмунини ёритишда бир нечта хатоларга йўл қўйган. Қолаверса, Кеничи Қуръондаги баъзи сўзлар маъносини япон маданияти нормаларига мослаштириш мақсадида ноодатий шаклда ўзгартириб талқин қилган. Масалан, араб тилидаги «рабб» сўзини «император» деб таржима қилган бўлса, «Аллоҳ» лафзини синтоизм динига хос «ками» (аждодлар руҳи) тушунчаси билан ифодалашга ҳаракат қилган (Hans Martin Krämer, 2014:622).

Ислоннинг ёйилиши ҳақида сўз кетганда, Япония ва Туркия ўртасидаги муносабатларнинг сўнгги икки асрдаги ҳолати алоҳида эътиборга эга. Чунки, Япониянинг мусулмон мамлакатлар билан биринчи дипломатик алоқалари XIX асрнинг охирида, айнан Туркия орқали амалга ошди. Ўшанда Усмонли турк империяси раҳбари Султон Абдулҳамид II томонидан Япония императорига юборилган ҳадяларни юклаган турк ҳарбий кемаси («Эртуғрул фиркатейни») кунчиқар юртга 1890 йил сентябр ойида кириб келди. Кема юртига қайтаётганда кучли бўрон натижасида Вакаяма профектураси ҳудудига қирувчи қоятошларга шу йили 16 сентябрда урилиб ҳалокатга учрайди. Ҳажоат оқибатида тахминан 600 киши ҳалок бўлган. Ўшандан буён Туркия ва Япония томони ҳалокат қурбонларини ёд этиш мақсадида ҳар йили турли хотира тадбирларини ўтказиб келади. Хусусан ушбу ҳажоатнинг 125 йиллиги туфайли 2015 йилда «Эртуғрул фиркатейни» хотираси учун рамзий маънода бошқа турк ҳарбий кемаси («Салих Реис») Япония томонга жўнатилди. Шу йилнинг июнь ойида у белгиланган манзилга етиб келди. Шу жиҳатдан айтиш мумкинки, ушбу ҳажоат Япония ва Туркия ўртасидаги дўстона алоқалар мустаҳкам боғланиши учун «ўзига хос восита»га айланди (www.worldbulletin.net).

XX асрда эса япон-мусулмон алоқалари тарихи кўплаб эътиборга молик воқеалар билан бойиди. Яъни, биринчидан, Япония ҳукуматининг мусулмон мамлакатлари билан алоқалари кўлами кенгайгани асосий ўрин тутди. Иккинчидан, Иккинчи жаҳон урушига қадар Япония Хитой ва собиқ Совет Иттифоқидаги мусулмон аҳолининг ҳукуматга қарши исёнларини молиявий қўллаб-қувватлаши кунчиқар юртига бир гуруҳ (асосан татарлар) мусулмонларнинг кириб келишига асос бўлди. Лекин, япон ҳукумати томонидан юқоридаги икки давлатдаги мусулмон халқларнинг қўллаб-қувватлашга қаратилган «уринишлари» аслида ўлка мусулмонлари учун фожеали тарзда яқунланди. Чунинчи, 1920-1930 йилларда собиқ Совет Иттифоқида «катагон сиёсати» олиб борилди. Ўз навбатида 1937 йил Синзян (Шинжон, Хитой)даги мусулмонлар иштирокидаги йирик кўзғолон ҳукумат томонидан қуч билан бостирилди. Шундай бўлса-да, Иккинчи жаҳон уруши қизиган паллада ҳам Япония ўзини мусулмонлар «халоскори» сифатида кўрсатган ҳолда ўз сиёсатини давом эттирди (James Paul Piscatori, 1986:32). Қолаверса, 1943 йилдаги парламент йиғилиши ортидан Япония ҳукумати «Англо-Америка агрессияси оқибатида мусибатга учраган мусулмонларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга сиёсий ва маданий кўмак кўрсатиш мақсадида улардан муайян гуруҳларни ўзида қабул этиш»га қарор қилди (materiaislamica.com). 1945 йилда Япониянинг урушда мағлуб бўлгани эълон қилинганда, АҚШ ҳисоботи чоп этилди. Унда уруш шароитида япон миллатига мансуб нуфузли шахсларнинг ўз юртида мусулмонларни қабул қилишга шароит яратишлари ислом дунёси ишончини қозониш ҳамда сиёсий мақсадлар йўлида фойдаланиш учун бўлганлиги таъкидланган эди (James Paul Piscatori, 1986:32).

Иккинчи жаҳон урушидан бугунги кунга қадар Япониядаги мусулмон аҳоли демографияси масаласи мунозарали. «Асия Шимбун» ёзувчиси Каваками Ясунори (Yasunori Kawakami, 2007) фикрига кўра, 2007 йилда Япониядаги мусулмонлар сони тахминан 70.000-100.000 нафарни ташкил қилиб, шундан Япония мусулмонлари ассоциацияси (Japan Muslim Association)нинг келтиришича, 7.000-10.000 нафари япон миллатига мансуб бўлган (Yasunori Kawakami, 2007). 2014 йилда бошқа бир муаллиф Сами Сиддикий Япониядаги мусулмонлар 70.000-120.000 нафарни ташкил қилиши, шундан 7.000-12.000 нафари японияликлар эканини таъкидлади. Японияда мусулмон аҳолининг сезиларли равишда кўпайиши XX асрнинг

80–90-йилларига тўғри келади. Бунда эса Япония ҳукумати меҳнат унумдорлигини арзон ишчи кучи орқали таъминлаш мақсадида Покистон ва Бангладеш каби давлатларга виза тартибини бекор қилди (www.aljazeera.com). Бироқ, 1989 йилда Бангладеш ва Покистон ҳамда 1992 йилда Эронга нисбатан виза тартиби қайта тикланди. 2006 йилда Япония миграция ассоциацияси келтирган маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда Японияда 11.329 нафар бангладешлик, 5.198 нафар эронлик, 9.086 нафар покистонлик, 18.096 нафар ҳиндистонлик ва 24.858 нафар индонезиялик мусулмон истиқомат қилмоқда (Mark Juergensmeyer, 2012:1291). 2020 йил ҳолатига кўра жами аҳолининг тахминан 0,18 фоизини мусулмонлар ташкил қилган (economist.com).

НАТИЖА

Урушдан кейинги даврда ҳукумат диний сиёсатининг асосий хусусияти нафақат Мейдзи давридан фарқли равишда конституцияга биноан синтоизмнинг расмий давлат дини экани бекор қилинганлигида, балки динни бутун жамиятдан (жумладан, халқ таълимидан) чиқариб ташланиши ҳамда дин ва давлат ўртасини қатъий ажратилишида кўзга ташланади. Бошқа томондан, «Диний ташкилотлар тўғрисида» қонун (1951) солиқ тизими остида динларни ҳимоя қилиш ҳамда давлат ва дин орасида дўстона мулоқот ўрнатилганини таъкид қилди.

Юқоридаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар асосида буддавийлик ва синтоизмга бошқа динлар, жумладан, христианлик билан тенг ҳуқуқий мақом берилди. Шу муносабат билан диний озчиликларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, диний ташкилотларга рухсат этилган фаолият доираси кенгайтирилди (lawyexplores.com).

Конституция диний эътиқод эркинлигини кафолатлайди ва унда давлат диний таълим ёки бошқа диний фаолиятда иштирок этмаслиги белгиланган. Бош қонундаги ушбу тартиб диний ташкилотларга ҳар қандай сиёсий ҳокимиятни амалга оширишни ёки давлатдан имтиёзлар олишни тақиқлайди. Ҳукумат диний гуруҳлардан рўйхатдан ўтишни ёки сертификат олиш учун ариза беришни талаб қилмайди, бироқ корпоратив мақомга эга сертификатланган диний гуруҳлар ўзларининг кундалик ва таъмирлаш харажатлари доирасида фойдаланиладиган хайр-эҳсонлар ва тўпланган

хайрия маблағлари учун даромад солиғини тўлашлари шарт эмас. Ҳукумат юридик мақом олишга ариза топширган диний гуруҳлардан ибодатга мўлжалланган ер майдонига эга бўлишини, шунингдек, диний ташкилотлар уставида уларнинг асосий мақсади ўз тарафдорлари орасидагина диний таълимотларни тарқатиш, маросимларни ўтказиш ва тарбиявий ишларни олиб бориши белгиланишини талаб қилади. Ариза берувчи диний ташкилот сифатидаги уч йиллик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни, аъзолар ва етакчилар (имом, раввин, руҳоний)нинг рўйхатини, ташкилот қоидалари, мол-мулкни бошқариш бўйича қарор қабул қилиш усуллари тўғрисидаги маълумотларни, ташкилотнинг даромадлари ва харажатлари ҳақидаги маълумотни ёзма равишда тақдим этиши шарт.

«Диний юридик шахслар тўғрисида»ги Қонунда префектура губернаторлари ўз префектураларида юридик мақомга эга бўлишга интилаётган гуруҳлар устидан юрисдикцияга эга бўлишлари ва гуруҳлар префектура ҳукуматларига рўйхатдан ўтиш учун ариза топширишлари белгиланган. Қонунда расмий диний ташкилотлардан ўз мулклари, даромадлари ва харажатларини ҳукуматга ошкор этишлари кераклиги кўрсатиб ўтилган. Қонун, шунингдек, ҳукуматга нотижорат фаолиятини тартибга солувчи қоидалар бузилган тақдирда текширув ўтказиш ҳуқуқини беради. Агар, қоидалар бузилгани аниқланса, ҳокимият диний ташкилотнинг нотижорат фаолиятини бир йилгача тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

Қонунга кўра, белгиланган тартибда жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар томонидан яқка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ўтказиладиган ибодатлар ва диний маросимлар тақиқланмайди. Қонун ва диний эркинликка бўлган конституциявий ҳуқуқни қўллаб-қувватлаш мақсадида Адлия вазирлиги маҳбусларга қамоқхоналардаги турли динларга мансуб кўнгилли руҳонийлар қабулида бўлишга рухсат беради.

Қонунда қайд этилишича, миллий ва маҳаллий ҳукуматлар томонидан ташкил этилган мактаблар диний таълим ва маълум бир динни қўллаб-қувватлашга қаратилган бошқа тадбирлардан воз кечиши керак. Хусусий мактабларда диний дарсларни ўқитишга рухсат берилган. Шунингдек, қонунда таълим жараёнида диний бағрикенглик муносабати, дин ва унинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи тўғрисидаги умумий билим ҳам кадрланиши кераклиги қайд этилган. Ҳам давлат, ҳам хусусий

мактаблар Таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар вазирлиги стандартларига мувофиқ ўқув дастурларини ишлаб чиқиши талаб этилади. Меҳнат қонунчилигига кўра, шахс диний эътиқодига кўра, касаба уюшма аъзолigidан четлаштирилиши мумкин эмас (www.state.gov).

ХУЛОСА

Япония тарихида жорий этилган «буюк ислохотлар» – қонунлар, бевосита синтоизм ва «хорижий» диний эътиқодлар – конфуцийлик ва буддавийликнинг ғоявий ва амалий фаолияти билан боғлиқ бўлган. Мавжуд ижтимоий муҳитни назорат қилиш воситаси сифатида япон тупроғида тарихан ажодлар култи билан боғлиқ тартибга бўйсунуш руҳияти доим эъзозланган ва унга амал қилинган.

Ташқи дунёдан деярли ажралган ёки «хорижий» диний эътиқодлар – буддавийлик, конфуцийлик ва кейинроқ, христианлик жамиятда кенг тарқалган шароитда ҳам япон халқининг «миллий туйғу» шиори остида бирлашишга чорлаган синтоийлик қадриятлари ўз моҳиятини йўқотмаган.

Иккита жаҳон урушидан кейин Японияда давлат ва дин муносабатлари янги форматга ўтди. Таълим, маданият, спорт, фан ва технология вазирлиги қошидаги Маданият ишлари бўйича агентлик Японияда дин соҳасида давлат сиёсатини олиб боровчи ваколатли орган ҳисобланади. 1946 йилги Япония конституцияси барча фуқаролар, уларнинг эътиқодидан қатъи назар диний эркинликни кафолатлайди. Шунингдек, Япония конституциясида дин ва давлатнинг ажралиши принципи қайд қилинган. Мамлакат конституциясидан сўнг давлат ва дин муносабатларини мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий-норматив ҳужжатлардан бири 1951 йили илк маротаба ва 1995 йилда қайта таҳрир остида қабул қилинган «Диний юридик шахслар тўғрисида»ги (The Religious Juridical Persons Law) қонунидир. Ушбу Қонунда диний ташкилотларга ўзларига тегишли бўлган ибодатхоналар ва бошқа мулкларни бошқариш, уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, эҳтиёжларидан келиб чиқиб тадбиркорлик фаолияти ва корхоналарни юритиш тартиблари белгиланган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Agency for Cultural Affairs. (2019). Religious yearbook 2019 (in Japanese).
2. John Breen, Mark Teeuwen. (2010). A new history of Shinto. Oxford: Blackwell.
3. Mark Juergensmeyer, Wade Clark Roof. (2012). Encyclopedia of global religion. Thousand Oaks, CA: SAGE Publications.
4. Yasunori Kawakami. (2007). Local mosques and the lives of Muslims in Japan. The Asia-Pacific Journal: Japan Focus. <https://japanfocus.org>
5. Hans Martin Krämer. (2014). Pan-Asianism's religious undercurrents: The reception of Islam and translation of the Qur'an in twentieth-century Japan. The Journal of Asian Studies, 73(3), 621. <https://doi.org/10.1017/S0021911814000606> (Agar DOI mavjud bo'lsa, kiritildi; aks holda qoldirilmaydi)
6. John Nelson. (1996). A year in the life of a Shinto shrine. Seattle, WA: University of Washington Press.
7. James Paul Piscatori. (1986). International relations of the Asian Muslim states. Lanham, MD: University Press of America.
8. The Economist. (2021). The number of Muslims in Japan is growing fast. <https://www.economist.com/asia/2021/01/07/the-number-of-muslims-in-japan-is-growing-fast>
9. Japan Wonder Travel. (n.d.). The best Buddhist temples in Japan. <https://blog.japanwondertravel.com/the-best-buddhist-temples-in-japan-21538>
10. Material Islamica. (n.d.). History of the Muslim peoples & Islamic culture in Japan (1700–Present). [http://materialislamica.com/index.php/History_of_the_Muslim_Peoples_%26_Islamic_Culture_in_Japan_\(1700–Present\)](http://materialislamica.com/index.php/History_of_the_Muslim_Peoples_%26_Islamic_Culture_in_Japan_(1700–Present))
11. State Department. (2020). 2020 report on international religious freedom: Japan. <https://www.state.gov/reports/2020-report-on-international-religious-freedom/japan/>
12. LawExplores. (n.d.). State and religion in Japan: Yasukuni Shrine as a case study. <https://lawexplores.com/state-and-religion-in-japan-yasukuni-shrine-as-a-case-study/>
13. World Bulletin. (2014). Japan remembers tragic sinking of Ottoman ship. <http://www.worldbulletin.net/today-in-history/144490/japan-remembers-tragic-sinking-of-ottoman-ship>
14. Al Jazeera. (2014). Japan's rich Muslim past and present. <https://www.aljazeera.com/indepth/features/2014/11/japan-rich-muslim-past-present-2014112115633107534.html>
15. Bunka.go.jp. (n.d.). Religious institutions in Japan. https://www.bunka.go.jp/english/policy/religious_institutions/index.html

REFERENCES

1. Agency for Cultural Affairs. (2019). Religious Yearbook 2019 (in Japanese).
2. Breen, John, and Mark Teeuwen. (2010). *A New History of Shinto*. Oxford: Blackwell.
3. Juergensmeyer, Mark, and Wade Clark Roof. (2012). *Encyclopedia of Global Religion*. Thousand Oaks, CA: SAGE Publications.
4. Kawakami, Yasunori. (2007). «Local Mosques and the Lives of Muslims in Japan.» *The Asia-Pacific Journal: Japan Focus*. Retrieved from <https://japanfocus.org>
5. Krämer, Hans Martin. (2014). «Pan-Asianism's Religious Undercurrents: The Reception of Islam and Translation of the Qur'an in Twentieth-Century Japan.» *The Journal of Asian Studies*, 73(3), 621. <https://doi.org/10.1017/S0021911814000606>
6. Nelson, John. (1996). *A Year in the Life of a Shinto Shrine*. Seattle, WA: University of Washington Press.
7. Piscatori, James Paul. (1986). *International Relations of the Asian Muslim States*. Lanham, MD: University Press of America.
8. The Economist. (2021). «The Number of Muslims in Japan is Growing Fast.» Retrieved from <https://www.economist.com/asia/2021/01/07/the-number-of-muslims-in-japan-is-growing-fast>
9. Japan Wonder Travel. (n.d.). «The Best Buddhist Temples in Japan.» Retrieved from <https://blog.japanwondertravel.com/the-best-buddhist-temples-in-japan-21538>
10. Material Islamica. (n.d.). «History of the Muslim Peoples & Islamic Culture in Japan (1700–Present).» Retrieved from [http://materialislamica.com/index.php/History_of_the_Muslim_Peoples_%26_Islamic_Culture_in_Japan_\(1700–Present\)](http://materialislamica.com/index.php/History_of_the_Muslim_Peoples_%26_Islamic_Culture_in_Japan_(1700–Present))
11. U.S. Department of State. (2020). *2020 Report on International Religious Freedom: Japan*. Retrieved from <https://www.state.gov/reports/2020-report-on-international-religious-freedom/japan/>
12. LawExplores. (n.d.). «State and Religion in Japan: Yasukuni Shrine as a Case Study.» Retrieved from <https://lawexplores.com/state-and-religion-in-japan-yasukuni-shrine-as-a-case-study/>
13. World Bulletin. (2014). «Japan Remembers Tragic Sinking of Ottoman Ship.» Retrieved from <http://www.worldbulletin.net/today-in-history/144490/japan-remembers-tragic-sinking-of-ottoman-ship>
14. Al Jazeera. (2014). «Japan's Rich Muslim Past and Present.» Retrieved from <https://www.aljazeera.com/indepth/features/2014/11/japan-rich-muslim-past-present-2014112115633107534.html>

